



## ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШДА ОПЕРАЦИОН АУДИТНИНГ ЎРНИ

**Жунаид М.Шайх,**

*Бруней технология университети профессори, Бруней қироллиги. Даруссалам. Email: junaid9nine@gmail.com, ORCID: 0000 0003 3312 4635*

**Ислом Кўзиев**

*и.ф.д., профессор, "Аудит" кафедраси мудури, Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон, Email: islomkuziyev1973@gmail.com, ORCID: 0000 0002 9794 8046*

**Илхом Авазов**

*PhD., доцент, "Аудит" кафедраси, Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон, Email: iavazov86@mail.ru, ORCID: 0000 0001 8917 6966*

**Матрасул Якубов**

*катта ўқитувчи, "Аудит" кафедраси, Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон, Email: matrasul01@gmail.com, ORCID: 0000-0001-7417-7421*

## THE ROLE OF OPERATING AUDIT IN EVALUATING THE EFFICIENCY OF INTERNAL AUDIT SERVICES

**Junaid M.Shayx,**

*Professor at Brunei University of Technology, Kingdom of Brunei. Darussalam. Email: junaid9nine@gmail.com, ORCID: 0000 0003 3312 4635*

**Islom Kuziev**

*i.f.d., professor, head of the "Audit" department, Tashkent Financial Institute, Tashkent, Uzbekistan, Email: islomkuziyev1973@gmail.com, ORCID: 0000 0002 9794 8046*

**Ithom Avazov**

*PhD., Associate Professor, Department of Audit, Tashkent Financial Institute, Tashkent, Uzbekistan, Email: iavazov86@mail.ru, ORCID: 0000 0001 8917 6966*

**Matrasul Yaqubov**

*Senior Lecturer, Department of Audit, Tashkent Financial Institute, Tashkent, Uzbekistan, Email: matrasul01@gmail.com, ORCID: 0000-0001-7417-7421*

**JEL Classification:** M4, M42

**Аннотация:** Мамлакатимизда турли мулкчилик шаклларига асосланган тадбиркорлик субъектларида корпоратив бошқарувнинг замонавий модели шаклланиши улар фаолиятининг самарадорлиги ҳамда инвестицион жозибadorлиги ошишининг муҳим шартли ҳисобланади. Айнан шундай бошқарувга асосланган тадбиркорлик субъектларида ички аудит хизмати ўз ўрнига эга бўлади ҳамда унинг олдига бир қатор муҳим вазифалар қўйилади. Лекин қўйилган вазифаларнинг қанчалик самарали амалга оширилиётганлиги ҳамда олинган натижаларнинг тадбиркорлик субъекти

фаолияти ривожланишига қай даражада таъсир кўрсатишини аниқлаш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бундай ҳолатларда, аудиторлик хизматлари бозори янада кенгаяди ва аудит шаклларида, жумладан операцион аудитнинг ривожланишига замин яратилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур мақолада ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолашда операцион аудитни қўллаш масалалари очиб берилган. Шунингдек, ички аудит хизмати фаолиятини баҳолашда операцион аудит мақсад йўналиши ҳисобланган тежамкорлик, фаолият

самарадорлиги ҳамда унинг  
натижавийлигини баҳоловчи  
мезонлар тавсифи келтирилган.  
Тадқиқотлар натижасида ички аудит  
хизмати фаолиятининг самарадорлигини  
ифодаловчи мезонларнинг тавсиявий  
таркиби шакллантирилди.

Операцион аудитнинг корхона  
фаолияти самарадорлигини комплекс  
баҳолаш, унинг молиявий ҳолати ва  
рентабеллигини башиоратлаш ҳамда  
яхшилаш бўйича амалий таклифларни  
ишлаб чиқиш, ташилотларда ички  
аудит хизматининг мавжуд ҳолатида  
унинг самарадорлигини баҳолаш фаолият  
ривожланишининг муҳим омили  
сифатида ўрганилган.

Ички аудит хизмати сифатини  
баҳолашга ходимлар ротацияси,  
стандартларга мувофиқлиги, самарали  
вақт мутаносиблиги, бевосита  
аудиторлик русум қоидалари ва якуний  
ҳисоботни тайёрлаш ўртасидаги вақт,  
алоҳида аудит ўтказиш учун сарфланган  
вақтнинг режалаштирилган вақт билан  
таққосланиши, ички аудитнинг обрў –  
эътибори каби мезонларни киритиш  
мумкин. Мақолада ушбу жиҳатларни  
эътиборга олган ҳолда ташилотларда  
ташикл этилган ички аудит хизматининг  
самарадорлигини баҳолашда операцион  
аудитнинг муҳим жиҳатлари ёритилган.  
Шу билан бир қаторда мавзу юзасидан  
юзага келиши мумкин бўлган муаммоли  
вазиятлар, норматив-ҳуқуқий жиҳатдан  
такомиллаштириш учун таклифлар ва  
муаммоларни ечимлари тўғрисида  
керакли хулосалар шакллантирилган.

**Abstract.** The formation of a modern  
model of corporate governance in business  
entities based on various forms of ownership  
in our real estate is an important condition  
for the increase in the efficiency of their  
activities and investment attractiveness. In

business entities based on this kind of  
management, the Internal audit Service will  
have its place and a number of important  
tasks will be put before it. But it remains an  
urgent issue to determine how effectively the  
tasks are carried out and to what extent the  
results obtained will affect the development  
of the activity of the business entity. In such  
cases, the market of audit services will  
become more and more complex, paving the  
way for the development of audit forms,  
including operational audit.

Proceeding from this, this article  
describes the issues of the use of operational  
audit in assessing the effectiveness of the  
Internal audit Service Activities. Also, in the  
evaluation of the activities of the Internal  
audit Service, a description of the criteria for  
assessing the efficiency of the activity, as well  
as its effectiveness, which are considered the  
target direction of the operational audit is  
given. As a result of the research, the  
recommended composition of the criteria that  
characterize the effectiveness of the Internal  
audit Service activities were formulated.

A comprehensive assessment of the  
effectiveness of operational audit of the  
enterprise, the development of practical  
proposals for forecasting and improving its  
financial condition and profitability, the  
assessment of its effectiveness in the current  
state of internal audit services in  
organizations are studied as an important  
factor in business development.

Criteria for assessing the quality of  
the internal audit service include staff  
rotation, compliance with standards,  
effective time balance, time between direct  
audit procedures and preparation of the final  
report, comparison of time spent on a  
separate audit with the planned time,  
reputation of the internal audit. Taking into  
account these aspects, the article highlights  
important aspects of operational audit in

*assessing the effectiveness of the internal audit service established in organizations. At the same time, the necessary conclusions on the problematic situations that may arise on the topic, proposals for regulatory improvement and solutions to problems are formed.*

**Калим сўзлар:** *ички аудит, операцион аудит, тежамкорлик, самарадорлик, натижавийлик*

**Keywords:** *internal audit, operational audit, economy, efficiency, effectiveness*

**Кириш.** Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида турли мулкчилик шакллари асосланган тадбиркорлик субъектларида бошқарув самарадорлигини оширишда, бошқарув тизимини ислоҳ этиш ҳамда ички назорат тизимини такомиллаштиришда ички аудит хизматининг ўрни муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда ички аудитни ташкил этишга, унга юклатиладиган вазифа ва функциялар ҳамда унинг натижаларини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида низом” билан белгиланган [1]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 майдаги “Ички аудит хизмати ходимларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сон қарори билан ички аудит хизматида фаолият юритадиган мутахассисларга қўйиладиган талаблар келтирилган. Гарчи келтирилган норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар ички аудит хизмати фаолиятини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этсада, мамлакатимизда ички аудит хизмати фаолияти профессионал, қонунчилик ва институционал жиҳатдан ҳали тўлиқ

шаклланмаган. Ташкилотларда ички аудит хизматининг мавжуд ҳолатида унинг самарадорлигини баҳолаш фаолият ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади.

**Материал ва метод.** Ички аудит моҳияти, ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш ва уни тартибга солиш билан боғлиқ масалаларга мавжуд норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар ва иқтисодчи олимларнинг асарларида атрофлича эътибор қаратилган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ривожланган мамлакатларда ички аудит хизматида ташкилотда активларнинг сақланиши, ички тартиб қолидаги риоя қилинишини назорат қилиш ҳамда маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттиришининг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлашдан ташқари, янада кенгроқ ваколатлар юклатилган. Шундан келиб чиқиб, мазкур мақолада ички аудит хизмати фаолиятининг моҳияти ва унинг самарадорлигини баҳолашда операцион аудитнинг ўрни тўғрисида тўхталамиз.

Ички аудиторлар институти Халқаро ички аудит стандартларини жорий этувчи ва уларга ички аудиторларнинг амал қилишини назорат қилувчи ташкилот ҳисобланади. Унинг таъкидлашича, ички аудит бу мустақил, ҳолис қафолат ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш фаолияти бўлиб, ташкилот бизнес жараёнларини ривожлантиришга ҳиссасини қўшиш учун ташкил этилади. Ички аудит рискларни бошқариш, назорат ҳамда бошқарув жараёнларини баҳолаш ва самарадорлигини оширишда тизимлаштирилган, изчил ёндашувни қўллаган ҳолда корхона мақсадларига эришишга ёрдам беради [3].

Халқаро Бухгалтерлар Федерацияси эса ички аудит хизматини

ташкilotда корпоратив бошқарув, рискларни бошқариш жараёни ва ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш ва ошириш мақсадида ишончни таъминлаш ҳамда маслаҳат фаолиятини амалга оширадиган ташкilot хизмати сифатида тавсифлайди [4].

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, хўжалик юритувчи субъект фаолиятини ўрганишда аудит ўтказиш жараёни, агарда унда таҳлил элементлари қўлланилмаса самарали восита сифатида қаралиши мумкин эмас. Операцион аудитнинг асосий мақсади айнан корхона фаолияти самарадорлигини комплекс баҳолаш, унинг молиявий ҳолати ва рентабеллигини башоратлаш ҳамда яхшилаш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Натижалар.** Илмий тадқиқотни амалга оширишда ички аудит хизмати сифатини ошириш борасидаги иқтисодчи-олимларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

**Мунозара.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 166-сон қарори билан 2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси ишлаб чиқилган ва унда ташкilotлар таркибидаги ички аудит хизматига қўшимча вазифа ва топшириқлар юклатилган [2]. Белгиланган вазифа ва топшириқлар ички

аудит хизматининг ваколат ва мажбуриятларини кенгайтирган. Бу, ўз навбатида, ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини баҳолашни мураккаблаштиради. Шу нуқтаи назардан ҳозирги кунда ташкilotларда ташкilot этилган ички аудит хизматининг самарадорлигини баҳолашда операцион аудит муҳим аҳамият касб этади.

Ички аудит самарадорлигини баҳолашда юқорида Ички аудиторлар институти томонидан келтирилган таърифда, асосий эътиборни “ҳиссани қўшиш” (add value) тушунчаси ва уни баҳолаш мезонларига қаратамиз, чунки ички аудит хизмати фаолияти корхона фаолияти ривожланишида ўз аҳамиятига эга бўлиши учун ривожланишига ҳиссасини қўшиши лозим. Ички аудиторлар институти “ҳиссани қўшиш” тушунчасига қуйидагича таърифлайди: ҳисса бу корхона мақсадларига эришиш имкониятларини оширишни, бизнес жараёнларни ривожлантириш йўлларини аниқлаш ва ишонч ҳамда маслаҳат хизматларини кўрсатишда юзага келадиган рискларни пасайтиришни таъминлашдир [4].

Тадбиркорлик субъектида ташкilot этилган ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини аниқлашда “ҳиссани қўшиш” тушунчасини ифодаловчи мезонларни баҳолаш операцион аудитнинг мақсадларидан бири ҳисобланади. Чунки, халқаро тажрибада ички аудит хизмати фаолияти самарадорлиги, унинг корхона фаолияти самарадорлигига қўшган ҳиссаси билан белгиланади. Операцион аудит бевосита аудиторлик фаолияти билан шуғулланадиган аудиторлик ташкilotи томонидан ёки ушбу соҳада етарли тажрибага эга мутахассислар (ички

аудиторлар) томонидан ўтказилиши мумкин.

Албатта операцион аудитнинг моҳиятини англаб етмасдан туриб, уни ўтказишни ташкил этиш моҳиятан тўғри бўлмайди. Операцион аудитнинг асосий мақсади тадбиркорлик субъекти фаолияти самарадорлигини комплекс баҳолаш, унинг молиявий ҳолати ва рентабеллигини башоратлаш ҳамда яхшилаш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Операцион аудит аудиторлик текширувини учта мезон тежамкорлик

(economy), самардорлик (efficiency) ва натижавийлик (effectiveness) асосида амалга оширади. Бу мезонлар биргаликда халқаро амалиётда “Уч E’s” (economy, efficiency, effectiveness) концепцияси деб номланади [5]. Бошқача айтганда операцион аудит сарфланган маблағлардан мумкин бўлган энг яхши натижага эришиш зарурлигини англатувчи мажбуриятни ифодалайди. Яъни, бу мавжуд ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда юқори фойда олишни назарда тутди (1-расм).



**1-расм.** Операцион аудит қамраб оладиган жараён<sup>1</sup>.

Келтирилган расмга эътибор қаратадиган бўлсак, операцион аудит ўз эътиборини “Уч E’s” концепциясига асосланган ҳолда аудиторлик текширувни ўтказишга қаратади. Айнан уни қўллаган ҳолда ички аудит хизматининг самарадорлигини, корхона ривожланишида ўзининг ҳиссаси қандай

аҳамиятга эга эканлигини аниқлаш мумкин. Операцион аудит ўтказилганда, ички аудит хизматини ташкил этиш учун фойдаланилган ресурс, ички аудит хизмат фаолияти, фаолиятдан олинган натижалар, ички аудит хизмати олдида қўйилган мақсад, олинган натижа билан

<sup>1</sup> Муаллифлар томонидан тузилган

қўйилган мақсаднинг ўзаро мувофиқлиги ўрганилади.

Операцион аудитни ўтказган ҳолда ички аудит фаолияти натижаларини баҳолаш мезонларига, хизматни ташкил этишда **тежамкорлик**, хизматни амалга оширишда **самарадорлик** ва хизматнинг **натижавийлигини** белгиловчи мезонларни киритишимиз мумкин. Қўйида ҳар битта баҳолаш мезонларига тўхталиб ўтамиз. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда ички аудит фаолиятини баҳолаш мезонлари асосан ўз эътиборини натижадан кўра кўпроқ хизматни ташкил этиш ва бажариш жараёнига кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Ички аудит хизматининг тежамкорлигини асослайдиган мезонларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Корхонанинг минг нафар ходимига тўғри келадиган ички

аудиторларнинг бўлинма кўрсаткичларига нисбатан таққосланиши;

2. Сарф – харажатлар даражаси:

– режа ва ҳақиқатдаги нисбати;

– ички аудиторнинг бир кунлик харажатлари;


– ички аудиторлар иш ҳақининг бошқа харажатлар билан нисбати;

– аудиторлик текширувидан ўтган бўлинмаларнинг ўзаро таққосланиши;

– ўтган ҳисобот йили билан таққосланиши.

3. Иш турига қараб унумдор вақтларнинг тақсимланиши (аудитнинг турлари; аудиторлик текшируви билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган ишлар).

Юқорида келтирилган тежамкорликни баҳолаш мезонларига асосланиб, қуйидаги расмда ички аудит хизматининг операцион аудит нуқтаи назардан тежамкорлиги ифодаланган [5].



2-расм. Ички аудит фаолиятининг операцион аудит нуқтаи назардан тежамкорлиги<sup>2</sup>

Операцион аудит учун ички аудит ташкил этилишининг тарихий сабаблари, унинг кейинчалик ташкилот фаолиятида мавжуд бўлиши етарли эмас. Ички аудит хизмати ташкилот ривожланиши доирасида ҳамини ўзининг аҳамиятига

эга эканлигини исботлаши лозим. Айнан унинг иш фаолиятини ташкил этилишида, фаолиятини амалга оширишда иқтисодий нуқтаи назардан тежамкорлиги ташкилот фаолиятини ривожлантиришда “ҳисса қўшиш”нинг муҳим омили ҳисобланади.

<sup>2</sup> Муаллифлар томонидан тузилган

Ички аудит хизмати бўлими ҳозирги кунда ҳар битта аудиторлик текширувига кетадиган харажатларни ҳисоблашади. Ўз навбатида харажатлар аудиторлик текширувидан ўтган фаолият тури (бўлинма) харажатлари таркибига олиб борилади. Бундай амалиёт, мижоз талабларини қаноатлантириш учун аудиторларни ўз функцияларини юқори даражада бажаришга ундаса, бошқа тарафдан мижозлар томонидан аудиторлик текшируви жараёни жиддий қабул қилишига олиб келади. Шунингдек, бундай ёндашув бизнесни бошқаришнинг алоҳида бўлимларига сарфланадиган умумий харажатларни баҳолашда ижобий таъсир қўрсади.[6]

Хизмат кўрсатиш жараёнини баҳолаш мезонларига ички аудит фаолиятининг самарадорлигини аниқловчи мезонлар киради. Агарда самарадорликни автомобилга қиёслаган ҳолда қарайдиган бўлсак, унда у хамиша

тўлиқ шай ҳолатга келтирилган ва намунали ҳолатда юрадиган автомобил дейишимиз мумкин. Бу автомобилдан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлардан фарқланади (“тежамкорлик”). Шунингдек, бу автомобилга қўйилган мақсадлар (хашаматлилиги, замонавийлиги)нинг амалга оширилиши ҳам эмас (“натижавийлик”).

Ички аудит хизмати сифатини баҳолашга ходимлар ротацияси, стандартларга мувофиқлиги, самарали вақт мутаносиблиги, бевосита аудиторлик русум қоидалари ва якуний ҳисоботни тайёрлаш ўртасидаги вақт, алоҳида аудит ўтказиш учун сарфланган вақтнинг режалаштирилган вақт билан таққосланиши, ички аудитнинг обрў – эътибори каби мезонларни киритиш мумкин. Ички аудит фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда операцион аудит эътибор қиладиган жиҳатлар 3-расмда келтирилган.



3-расм. Ички аудит фаолиятининг операцион аудит нуқтаи назардан самарадорлиги<sup>3</sup>

<sup>3</sup> Муаллифлар томонидан тузилган

Самарадорликни баҳоловчи мезонлар тежамкорлик ва натижавийликни баҳоловчи мезонлар билан бевосита боғлиқ. Шу сабабдан, ички аудит фаолияти самарадорлигини баҳоловчи мезонлар ички аудиторларнинг ҳар битта жорий этилган тавсияларга сарфланган харажатлар миқдори билан белгиланади.

Ички аудит фаолиятининг натижавийликни баҳолашда иккита масала муҳим аҳамият касб этади. Биринчидан, ички аудит ҳақиқатдан белгиланган мақсадларига эришадими ёки йўқми? Иккинчидан, у ҳақиқатдан тўғри мақсадларга эришганми?

Ҳар битта ташкилотда ички аудит хизмати фаолиятининг аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари "Ички аудит низоми" билан белгиланади. Низом ички аудитнинг натижавийлиги ва фойдалилик даражасини баҳолашнинг муҳим йўриқномаси ҳисобланади. Ички аудит фаолияти фойдалилигини баҳолаш жуда мураккаб. Чунки ички аудиторлар ақлий меҳнат ходимларидир, шу сабабдан, уларнинг ишлари натижалари доимо сезиларли эмас. Ақлий меҳнат ходимлари одатда ҳисобот тайёрлашади ва ички аудиторлар ҳам бундан мустасно эмас[7]. Ички аудиторларнинг ҳисоботи ички аудит фаолиятининг натижавийлигини ифодаловчи ахборотлар йиғиндиси ҳисобланади. Ички аудиторларнинг принципиал мақсади раҳбариятни ички назорат тизими фаолиятининг самарадорлигига ишонтириш, агарда у мавжуд бўлмаса ёки фаолияти самарасиз бўлса уларнинг тавсияларини жорий этишга раҳбариятни ишонтиришдир, кўндиришдир. Қуйида ички аудитнинг асосий мақсадлари келтирилган:

1. Ички назоратнинг тўғри ташкил этилганлигига раҳбариятни ишонтириш;

2. Қонун – қоидаларга амал қилинмаётганликни аниқлаш ва келажақда уларга риоя қилинишини таъминлаш;

3. Тизимнинг камчиликларини аниқлаш ва уни бартарф этиш бўйича таклифлар бериш;

4. Такмиллаштириш бўйича қабул қилинган тавсияларни муваффақиятли жорий этиш бўйича раҳбариятни кўндириш.

Ички аудит хизматини баҳолашда сифат мезонлари корхонанинг умумий жиҳатлари билан уйғун бўлиши керак. Ички аудитнинг мақсади ва вазифалари корхонанинг умумий жиҳатдан ривожланиши учун унинг умумий мақсад ва вазифаларини қўллаб қувватлаши лозим[8].

Ички аудиторлар иши сифатини баҳолашда қўлланиладиган тўртта асосий савол мавжуд, булар қуйидагилар:

1. Ички аудит келишилган ва аниқ мақсадларга эгами;

2. Аниқ қўйилган мақсадларга ҳақиқатда эришиш учун ишлар режалаштирилганми ва ресурслар билан таъминланганми;

3. Қўйилган мақсадларга эришиш корпоратив вазифаларни ҳал этиш имконини берадими (масалан ички назорат тизими миқёсида);

4. Ички аудит қўйилган мақсадларга эриша оладими.

Бундай мазмундаги саволлар бошқарувдан, ички аудит хизмати раҳбари ёки ташки аудит томонидан берилиши керак. Ички аудит хизмати устави юқоридаги барча саволларга ижобий равишда жавоб қайтариши лозим.



Ички аудит ҳисоботида аниқланган маълумотларни таҳлил қилиш ўтган ҳисобот даврига солиштирганда, ёки бошқа аудит жамоаларининг мувафакқияти билан қиёслаганда, ёки ички аудиторларнинг муайян бўлинмаларда амалга оширилган

ишлари билан корхонанинг аудиторлик текшируви ўтказилмаган бўлинмасининг фаолиятини таққослаш билан боғлиқ мезонлар ички аудитнинг мувафакқиятини баҳоловчи мезонлар бўлиши мумкин.



4-расм. Ички аудитнинг операцион аудит нуқтаи назардан натижавийлиги<sup>4</sup>

Ички аудит хизматининг аҳамиятини маблағ самарадорлиги нуқтаи назардан ошириш танлаб олинган сифат мезонларини учта иерархия тузилиши кесими сифатида ташкил этишни таҳлил қилади. Бунда бўйсунувчи мезонлар (паст даражадаги мезон) юқори даражадаги мезонларга тарқалади. Юқори даражали мезонлар самарадорлик, унумдорлик ва тежамкорликни ифодаловчи мезонлари иерархияси аниқ ўзида акс эттиради[9]. Масалан, агарда унумдорлик мезонлари

нуқтаий назардан кўриб чиқадиган бўлсак, энг паст даражадаги мезон ўрнида қабул қилинган тавсиялар фоизи туради, сўнгра, қабул қилинган ва жорий қилинган тавсиялар фоизини ва кейинчалик мувафакқиятли жорий қилинган тавсияларни кўрсатишимиз мумкин. Охириги мезон эса тайёрланган ҳисоботнинг мувафакқиятини баҳоловчи мезонлардан бири бўлади.

Агарда ҳар қандай сифат мезонлари алоҳида –алоҳида талқин

<sup>4</sup> Муаллифлар томонидан тузилган

қилинса чалғитиши мумкин. Масалан минг нафар ходимга тўғри келадиган ички аудиторлар сони ички аудитга нисбатан жуда тежамкорона ёндашув бўлиши мумкин, лекин бошқа мезонлар ички аудитнинг самарасизлигини кўрсатиши мумкин. Барча ҳисоботларни белгиланган муддатларда тугатиш фойдали топилмалар ва тавсиялар асосида амалга оширилиши мумкин. Муваффақиятли ҳисоботлар мезони вақт ва маблағ сарфи, шунингдек аудит режасини бажариш билан боғлиқ [10].

Биз шунингдек, мезонларнинг ўзгарувчанлигига нисбатан жуда эътиборли ва эҳтиёт бўлишимиз керак. Сабаби шундай бўлиши мумкинки, улар аудитнинг юқори муваффақиятини таъминлаши ва бир вақтнинг ўзида унинг самарадорлигига тегишли муҳим жиҳатларни ўтказиб юборилиши ҳам мумкин. Масалан, бундай мезонларга ички аудитнинг мустақиллиги ва қамраб олиш кўламини киритиш мумкин.

#### **Хулоса.**

1. Турли мулкчилик шаклларида асосланган тадбиркорлик субъектларида

ички аудит хизматининг ташкил этилиши уларда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотлар сифатининг ошишига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида ички аудит хизмати фаолиятининг самарали ташкил этилганлигига боғлиқ.

2. Ички аудит хизматининг самарадорлигини баҳолашда, уни ташкил этилишининг тежамкорлиги, иш жараёнини амалга оширишнинг самарадорлиги ҳамда ишининг натижадорлигини аниқлаш операцион аудитнинг мақсади ҳисобланади. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ички аудит хизмати самарадорлигини баҳолашнинг мезонлари очиб берилди.

3. Аудиторлик ташкилоти ёки шу соҳа бўйичи профессионал касб маҳоратига эга бўлган мутахассислар (ички аудитор, профессионал бухгалтер) томонидан операцион аудитнинг ўтказилиши тадбиркорлик субъекти, унинг алоҳида бўлинмалари фаолиятини баҳолаш ҳамда уларнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегик режаларининг самарадорлигини аниқлаш имконини беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига илова Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги низом
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 29 мартдаги 166-сон Қарори, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.03.2021 й., 09/21/166/0257-сон)
3. Urton L. Anderson, Michael J. Head, Sridhar Ramamoorti. Internal auditing: Assurance and advisory services. Fourth edition, 2017. – 654 p.
4. Chambers, Andrew D. The operational auditing handbook: auditing business and IT processes. —2nd ed. John Wiley & Sons, 2010. - 862 p.
5. Murdock H, Operational auditing: Principles and Techniques for a Changing World, CRC Press, 2017, - 330 p



6. Alvin A. Arens, Randal J. Elder, Mark S. Beasley. Auditing and Assurance Services: an integrated approach. – 14 ed., 2012. – 850 p.
7. Tuychiyev A.J., Qoziyev I.N., Masharipov O.A., Avlokulov A.Z., Yaqubov M.M., Sherimbetov I.X., Avazov I.R. Audit. Darslik. -T.: -Iqtisod-Moliya, 2019. – 416 b.
8. Casler, D. J. and Crockett, J. R. Operational Auditing: An Introduction. ПА, 1982. Altmonte Springs, Florida.
9. Аудит: теория и практика: учебник/ Л.И.Варонина. – М.: «Омега-Л», 2012.-647 с.
10. Tulaxodjayeva M.M., Ilhomov SH.I. Audit. O'quv qo'llamna. - T.: Iqtisodiyet, 2012. – 184 b.